



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ PRESIDENTINING 1994 йИЛ 23 DEKABRDAГИ FARMONIGA 1-ИЛОВА

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИДА PASPORT TIZIMI TЎFRISИДА НИЗОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

да,  
 -- ёзувдаги ноаниқлик аниқланганда;  
 -- виза учун мўлжалланган varaқлар тўлганда;  
 -- фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда.  
 16. Паспортни алмаштириш учун:  
 -- белгиланган шаклдаги ариза;  
 -- алмаштирилиши лозим бўлган паспорт;  
 -- 35x45 миллиметр катталиқдаги иккита оқ-қора ёки рангли фотосурат топширилади.

Фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартириш, миллатини ўзгартириш ёки ёзувдаги ноаниқлик аниқлик киритиш мақсадида паспортни алмаштириш учун шу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.  
 17. Фуқаро тегишли ёшга тўлгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартирган, ёзувдаги ноаниқлик аниқланган ва паспорт фойдаланиш учун яроқсиз бўлгандан сўнг бир ой мuddатдан кечиктирмай паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатларни ва фотосуратларни тақдим этиши керак.

18. Ички ишлар органлари ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан алмаштириш тарзида ёки йўқолган паспортга балоғатга етмаган болалар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, никоҳ қайд этилгани, доимий истиқомат жойи тўғрисидаги белгилар киритилиши керак.  
 19. Паспорт бериш ва хорижда чиқишни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган миқдорда давлат поштинаси (бож) олинди. Тўла давлат таъминотида бўлган шахслар поштина тўлашдан озоқ қилинади.  
 20. Фуқаро паспортни авайлаб асраши шарт. Паспорт йўқолгани ҳақида фуқаро ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дар-

хол хабар қилишга мажбурдир. Улар эса фуқаронинг илтимосига биноан белгиланган намунадаги маълумотнома беради. Маълумотнома шаклини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

Фуқаро паспортни йўқотган тақдирда унга ушбу Низомда белгиланган тартибда паспорт йўқолгани ҳақида ариза берган кундан бошлаб бир ой ичида янги паспорт берилади.

21. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққан шахс паспортини ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт.

Фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилганда уларнинг паспортлари хизматни ўташ даврида сақлаш учун хизматга чақирилиш жойидаги мудофаа ишлари органларига, ҳарбий ўқув юрталарига қабул қилинганда эса, кейин ички ишлар органларига юбориш учун шу ўқув юртига топширилади.

Вафот этганларнинг паспортлари фуқаролик ҳолатини қайд этиш органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширилади, улар эса ўлим рўйхатга олингандан сўнг бир ой мuddатдан кечиктирмай ички ишлар органларига юборди.

Топиб олинган паспорт ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширилади, улар эса ўлим рўйхатга олингандан сўнг бир ой мuddатдан кечиктирмай ички ишлар органларига юборди.

22. Камоққа олинган, шунингдек озоқликдан маҳрумликка, камоқ жазосига маҳкум этилган шахслар паспортни текшириш, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Камоқдан озоқ қилингандан ёки жазони ўтаб бўлгандан сўнг паспорт эгасига қайтарилади. Паспорт ундан иш жойидаги чеклашлар олиб ташлангандан сўнг қайтарилиб берилади.

23. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилганда ташқари фуқаронинг паспортини тортиб олиш, шунингдек паспортнинг гаров тариқасида қолдириш ва гаровга олиб қолиш тақиқланади.  
 24. «Ўзбекистон Республи-

касида паспорт тизими тўғрисидаги Низомни амалга ошириш учун зарур бланкалар, штамплар намуналарини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

25. Паспорт олишда керак бўладиган бланкалар ва «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа бланкалар учун уларнинг амалдаги қиймати миқдоридан ҳақ олинади.

### III. ҚАЙД ЭТИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИШ

26. Фуқаролар доимий истиқомат жойида ёки вақтинча истиқомат жойида қайд этилади (рўйхатга олинади).

Қайд этиш (рўйхатга олиш):  
 -- паспортга эга бўлган фуқароларни -- паспортни бўйича;  
 -- 16 ёшга тўлмаган, ота-онасидан (васийлардан) алоҳида яшайдиган болаларни -- туғилиш гувоҳномаси бўйича;  
 -- казармалардан, кемалардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчиларни -- ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар томонидан берилган маълумотномалар бўйича;  
 -- хорижда доимий яшайдиган, вақтинча ва доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасига келган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни -- хорижий паспортларни ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш учун берилган гувоҳномалари бўйича амалга оширилади.

16 ёшга тўлмаган, ота-оналари (васийлари) билан бирга яшайдиган болалар улар ҳақидаги маълумотларни ота-онадан бирининг (васийнинг) тегишли ҳужжатига киритиш билан қайд этилади.

Бир жойдан иккинчи жойга олти ойдан кўп мuddат ва вақтинча яшаш учун келган фуқаролар вақтинча қайд этилади, олти ойгача мuddатга келганлар эса, паспортга белги қўйилмаган ҳолда белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

27. МДҲнинг бошқа давлатларидан келган фуқаролар умумий асосда қайд этилади.

28. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунда белгиланган тартибда қайд этилади (рўйхатга олинади).

29. Истиқомат жойини ўзгар-

тираётган, шунингдек олти ойдан ортиқ мuddат вақтинча яшаш учун бошқа жойга таътилга, дала ҳовлига, дам олишга, даволаниш учун кетаётган (хизмат сафарига келмаётганлардан ташқари) фуқаролар ака-укалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан ҳақиқат назар -- акаси, укаси, опаси, синглисининг уй-жой майдонига;  
 -- илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш ёки яққа тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланган қоладин фуқаролар -- олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;  
 -- озоқликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўташдан ёки камоқдан озоқ қилинган шахслар -- олдинги истиқомат жойига;  
 -- ҳарбий хизматга олиш ҳужжатларини тақдим этади.

Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида қайд этиши рўйхатдан чиқариш билан ички ишлар органлари, қишлоқ жойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шуғулланади.

31. Қайд этиши (рўйхатдан ўтиш) учун фуқаролар:  
 -- белгиланган шаклдаги ариза;  
 -- паспорт ёки ушбу Низомнинг 26-бандида кўзда тутилган ҳужжатлардан бирини;  
 -- ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатларини тақдим этади.

Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида қайд этиши рўйхатдан ўтиш учун истиқомат жойидаги ички ишлар органидан чегара зонасига бориш учун белгиланган тартибга мувофиқ олинган шу зонага боришга ижозатнома ҳам тақдим этилади.

32. Қайд этиладиган (рўйхатга олинган) фуқаролар етиб қилинган кундан бошлаб ушбу ҳужжатлар рўйхатдан чиқадиган жойдаги шундай шахсларга топширилади.

Фуқаролардан олинган ҳужжатлар учун кун ичида қайд этиш (рўйхатга олиш) ва рўйхатдан чиқариш билан шуғулланувчи органга топширилиши зарур.

33. Шахарларда, шаҳарчаларда, қишлоқ жойларида уй-жой майдони қанчалигидан қатъи назар, қуйидагилар қайд этилади:  
 -- эр-хотин бир-бирининг уй-жой майдонига;  
 -- балоғатга етмаганлар ва васийликдаги шахслар -- ота-она ва васийларнинг уй-жой майдонига;  
 -- оила курмаган ёки никоҳдан ўтмасдан туриб балоғатга етмаган фарзандлари бўлган катта ёшдаги фарзандлар -- ота-оналарининг уй-жой майдони;

бошлиқлар сафига кирувчи шахслар (оила аъзолари билан) -- белгиланган тартибда уй-жой олгунга қадар бошқа шахслар ёки ҳарбий қисмининг уй-жой майдонига ёки ҳарбий қисми, ҳарбий ўқув юрти, ёхуд Мудофаа вазирлигининг, Миллий хавфсизлик ва Ички ишлар вазирлигининг ўзга ташкилотлари жойлашган ерига;  
 -- зобитлар сафидаги шахсларнинг, прапоршиқларнинг, мичманларнинг, мuddатга қўшимча билан қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари -- ҳарбий хизматчи янги хизмат жойида уй-жой олгунга қадар -- ҳарбий хизматчиларнинг қариндошлари ёки турмуш ўртоғининг қариндошлари, ёхуд бошқа фуқароларнинг уй-жойига;  
 -- хунар-техника билан юрtdларнинг ўқувчилари, талабалар, аспирантлар, докторантлар, белгиланган тартибда олий ёки ўрта махсус ўқув юрти қаторига киритилган ўқув юрtdларнинг аъдонтилари, ординаторлари, илмий тажриба оширишга келган шахслар, ходимлари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларининг тингловчилари, шунингдек уларнинг оила аъзолари -- ўқиб даврида ўқув юрtdларининг, идораларининг, қариндошлари ва бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;  
 -- фаолияти доимий ҳаракат билан боғлиқ шахслар (кема экипажларининг аъзолари, геология-қидирув партияларининг, экспедицияларининг ходимлари ва шу кабилар) -- иш вақтида тегишли кемачилик, бошқарма, геология-қидирув партиялари, экспедициялари асосий базаларининг, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган манзилга;  
 -- ҳокимликларга, шунингдек ички ишлар органларига асос мавжуд бўлган тақдирда мазкур Низомда кўзда тутилган ҳолларда ҳам фуқароларнинг ички ишлар органларида қайд этилишига рухсат қилиш ҳуқуқи берилади.

34. Қайд этиш ва рўйхатдан чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган миқдорда ҳақ олинади.

35. Чегара зонасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг истиқомат жойини танлашида

чеклашлар қўйилади. Ушбу бандда белгиланган чеклаш амал қиладиган жойларда қайд этиш (рўйхатга олиш) рухсат берилмаган шахслар бу ерларда жойлашган қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга олиниши мумкин эмас. Фуқароларнинг мазкур жойларда вақтинча бўлиши тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ республиканинг айрим жойларида фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини (табиий офатлардан, эпидемиялардан, қатти авариялар, фалокатлар, оммавий тартибсизликлар ва шу кабилардан) сақлаш мақсадида бу жойларда фуқароларнинг бўлиши вақтинча чеклаб қўйилиши мумкин.

36. Хусусийлаштирилган уй-жой ва хусусий мулк тарзида ўзига тегишли уй эгалари ўз оила аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўзига қарашли уй-жойда яшашни қайд этиришга ҳақлидирлар.

37. Суднинг фуқарони яшаб турган уйдан кўчириб юбориш ёки бундай иморатдан фойдаланиш ҳуқуқи ўз қучини йўқотгани ҳақидаги ажримни қонуний қилгириш муносабати билан фуқаронинг яшаш жойига қайд этилиши бекор қилиниши лозим.

Фуқаролар ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этган ва шу маълумотлар қайд этишга (рўйхатга олиш) масаласини ҳал қилиш чоғида фойдаланиш ҳуқуқи қилганда ва қайд этиш (рўйхатга олиш) тартиби ва шартлари бузилган бошқа ҳолларда уларнинг уй-жойга қайд этилгани (рўйхатга олингани) ҳолати бекор қилиниши мумкин.

38. Машғулот тури доимий ҳаракатда бўлиш билан боғлиқ шахслар (экипажлар, кемалар аъзолари, геология-қидирув партияларининг ходимлари ва шу кабилар) ташкилот жойлашган манзилда қайд қилинади (рўйхатга олинади) ва чиқарилади.

39. Озоқликдан маҳрум этишга ёки камоқ жазосига

ҳукми қилинганлар шу шахслар ҳусусида чиқарилган ҳукми қонуний қилгиридан сўнг қайд (рўйхатдан чиқарилади).

40. Вафот этганлар ўлим рўйхатга олингандан сўнг қайд этишдан чиқарилади.

41. Қайд этиш (рўйхатдан ўтиш) учун лозим бўлган аризалар, уй дафтарлари, манзил varaқларини шаклини ҳамда фуқароларни қайд этиш (рўйхатдан ўтказиш) ва қайддан чиқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилайди. Фуқароларга бериладиган уй дафтари учун уларнинг амалдаги қиймати миқдорда ҳақ олинади.

### IV. PASPORT TIZIMI KOИДАЛARIНИ BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIK

42. Фуқаролар:

-- паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, шунингдек қайд этилмаган ёки рўйхатдан ўтмай ашганлик учун, паспортни атайлаб яроқсиз ҳолга келтиргани ҳамда паспортни авайлаб сақлашни йўқотгани, паспортлардан гаразли мақсадларда фойдаланганлик учун;

-- паспорт тизими қоғдалари ривож қилинишига масъул бўлган шахслар фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, ёхуд қайд этилмаган рўйхатдан ўтмай яшашига йўл қўйгани учун, шунингдек фуқаролар ўзлари эгалаб турган уй-жой биноларида паспортсиз шахсларнинг қайдсиз ёки рўйхатдан ўтмай яшашига йўл қўйгани учун;

-- мансабдор шахслар паспортсиз ёки паспортни ҳақиқий бўлмаган фуқароларни, шунингдек қайдсиз (рўйхатдан ўтмай) яшаётган фуқароларни ишга қабул қилгани учун;

-- мансабдор шахслар фуқароларнинг паспортини асоссиз олиб қўйгани ёки паспортни гаровга олиб қолгани учун;

-- чегара зонасига кириш ёки унда яшаш қоғдаларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ PRESIDENTINING 1994 йИЛ 23 DEKABRDAГИ FARMONIGA 2-ИЛОВА

# ХОРИЖИЙ ШАХСЛАРГА, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИДА ЯШАШ УЧУН ГУВОҲНОМА НА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИ ТЎFRISИДАГИ НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун бериладиган гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун бериладиган гувоҳнома уларнинг шахсларини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқи берадиган ҳужжатлар ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси доирасида ҳақиқийдир. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг гувоҳномаси хорижда унинг эгаси шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасида яшаш учун берилган гувоҳнома бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қилувчи ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган қуйидаги шахслар яшайдилар:

-- хорижий давлат фуқаролигига мансублигининг исботига эга бўлган шахслар;  
 -- бошқа давлатнинг фуқаролигига бўлмаган шахслар.

3. Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномалар қуйидагиларга берилади:

-- 16 ёшга тўлган хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга;  
 -- қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум деб топилган шахсларга;

-- қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиққан шахсларга.

4. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномалар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс доимий истиқомат қиладиган жойда берилади.

5. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи вақтинча чет элга ўйнаб кетувчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

### II. ХОРИЖИЙ ШАХСЛАРГА ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИДА ЯШАШ УЧУН ГУВОҲНОМАЛАРДАГИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИДАГИ ЁЗУВЛАР, УЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУDDАТЛАРИ

6. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномалар, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари эса 8 варақдан иборат.

7. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномалар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида тўлдирилади. Ҳужжатларга қуйидаги маълумотлар киритилади:

Хорижий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномаларда:  
 -- фамилияси, исми, отасининг исми;  
 -- туғилган йили, кун, ойи;  
 -- туғилган жойи;  
 -- миллати;  
 -- Ўзбекистон Республикасига келган кундаги фуқаролиги;  
 -- оилавий аҳволи;  
 -- Ўзбекистон Республикасига келган кун;  
 -- келишдан мақсади;  
 -- яшаш учун гувоҳнома ким томонидан ва қачон берилгани;  
 -- яшаш учун гувоҳнома қандай ҳужжатларга асосланиб берилгани;  
 -- яшаш учун гувоҳноманинг амал қилиш мuddати тўғрисида;  
 -- фарзандлари ҳақида;  
 -- яшаш учун гувоҳнома мuddатини узайтириш тўғрисида;  
 -- яшаш учун рухсат бериш ҳақида;  
 -- яшаш жойида қайд этиш (прописка) ҳақида;  
 -- алоҳида белгилар (қон резуси ва ҳокзозлар);  
 -- Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномага эслатма;  
 -- Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасида:  
 -- фамилияси, исми, отасининг исми;  
 -- туғилган йили ва жойи;  
 -- фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ким томонидан ва қачон берилгани;  
 -- бораётган мамлақати тўғрисида;  
 -- биргаликда бораётган фарзандларини ҳақида;  
 -- виза (рухсатнома)лар ҳақида;  
 -- фуқаролиги бўлмаган

ролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномаларда:  
 -- фамилияси, исми, отасининг исми;  
 -- туғилган йили, кун, ойи;  
 -- туғилган жойи;  
 -- миллати;  
 -- Ўзбекистон Республикасига келган кундаги фуқаролиги;  
 -- оилавий аҳволи;  
 -- Ўзбекистон Республикасига келган кун;  
 -- келишдан мақсади;  
 -- яшаш учун гувоҳнома ким томонидан ва қачон берилгани;  
 -- яшаш учун гувоҳнома қандай ҳужжатларга асосланиб берилгани;  
 -- яшаш учун гувоҳноманинг амал қилиш мuddати тўғрисида;  
 -- фарзандлари ҳақида;  
 -- яшаш учун гувоҳнома мuddатини узайтириш тўғрисида;  
 -- яшаш учун рухсат бериш ҳақида;  
 -- яшаш жойида қайд этиш (прописка) ҳақида;  
 -- алоҳида белгилар (қон резуси ва ҳокзозлар);  
 -- Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномага эслатма;  
 -- Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасида:  
 -- фамилияси, исми, отасининг исми;  
 -- туғилган йили ва жойи;  
 -- фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ким томонидан ва қачон берилгани;  
 -- бораётган мамлақати тўғрисида;  
 -- биргаликда бораётган фарзандларини ҳақида;  
 -- виза (рухсатнома)лар ҳақида;  
 -- фуқаролиги бўлмаган

шахс гувоҳномасининг амал қилиш мuddати тўғрисида.  
 Фуқароларнинг розилиги билан, яшаш учун бериладиган гувоҳномаларда соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан яшаш учун гувоҳнома эгаси қонининг гуруҳи ва қандай резусга мансублиги тўғрисида белгилар қўйилади.

8. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномаларда, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг гувоҳномасида катталари 35x45 мм, қора-оқ ёки рангли тасвирдаги фотосуратлар, ҳужжатлар эгасининг ва уни берган масъул шахсининг имзолари бўлиши лозим.

9. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳнома 5 йил мuddат билан ёки мuddатсиз берилади. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси 2 йил мuddатга берилади.

### III. ХОРИЖИЙ ШАХСЛАРГА ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ЯШАШ УЧУН ГУВОҲНОМАЛАРНИ ХАМДА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИНИ БЕРИШ УЧУН АСОСЛАР ВА УНИНГ МУDDАТЛАРИ

10. Хорижий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномаларни ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиш учун доимий истиқомат жойида ички ишлар органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:  
 А) Яшаш учун гувоҳнома олишга.  
 -- Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги ариза;  
 -- ҳақиқий миллий паспорт;

-- фуқароликдан чиққанлик тўғрисида ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжат;  
 -- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (биринчи марта олинаётган тақдирда);  
 -- яшаш учун олинган аввалги гувоҳнома;  
 -- катталлиги 35x45 мм бўлган қора-оқ рангли тасвирдаги 5 та фотосурат;  
 -- оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;  
 -- никоҳ ҳақидаги гувоҳнома (қайд этилган никоҳдан ўтилган тақдирда);  
 Б) Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олишга:  
 -- Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги ариза;  
 -- фуқаролиги бўлмаган шахсининг яшаш учун гувоҳномаси.

11. Қуйидаги ҳолларда фуқаролиги бўлмаган шахсининг гувоҳномаси ва яшаш учун берилган гувоҳномалар алмаштирилади:  
 -- фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганда;  
 -- ёзувларда чалқашликлар аниқланганда;  
 -- яшаш жойида қайд этиш -- ундан ўчиш (визалар) ҳақидаги белгилар учун мўлжалланган varaқлар тугаганда;  
 -- фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда.

12. Яшаш учун гувоҳномалари ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини алмаштириш ҳамда яшаш учун гувоҳномаларнинг амал қилиш мuddатларини узайтириш учун қуйидагилар тақдим этилади:  
 -- белгиланган шаклдаги ариза;  
 -- яшаш учун гувоҳнома;  
 -- фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси;  
 -- катталлиги 35x45 мм бўл-

ган қора-оқ ёки рангли тасвирдаги 5 та фотосурат;  
 -- ҳақиқий миллий паспорт.

Фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши муносабати билан ёки ёзувлардаги чалқашликларни аниқлаш туфайли алмаштириш учун бундай холларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

13. Фуқаро яшаш гувоҳномасини олиш ёки алмаштириш учун ҳужжатлар ва фотосуратларни тегишли ёшга тўлгандан ёки фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилгандан, ёзувлардаги чалқаш

# Ўтган якшанба кuni Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда вилоятимиз меҳнаткашлари муносиб номзодлар учун овоз бердилар

## ЧИНАКАМ ОШКОРАЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ РУҲИДА

**ЎТГАН** якшанба кuni **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар вилоятимиз аҳолисининг иқтисодий ислохотлар жараёнининг моҳиятини чуқур тушуниб етганлиги ва мустақил давлатимизнинг келажиги буюклигига зўр ишонч билан қараётганлигини яққол кўрсатди.**

**Сайловлар тонгида овоз бериш чоғида сўзга чиққан кишилар республикамизда рўй бераётган катта ўзгаришлар, ислохотлар туфайли эришилган ютуқлар ҳақида, Президентимиз, ҳукуратимиз кўрсатаётган ғамхўрликлардан хурсанд бўлиб гапирдилар.**

### ҚИБРАЙ

Биз илгари ҳам бу туманинг барча сайлов участкаларида сайловларга пухта ҳозирлик қўрилгани ҳақида хабар қилган эдик. Сайлов кuni ана шу тайёргарлик натижаси янада яққол кўринди. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга номзодлари кўрсатилган кишиларга овоз бериш тумандаги 8/171 Салор сайлов округида ўз вақтида бошланди. Биз биринчи бўлиб ва биринчи бор овоз бераётган Бахтиёр Сиддиқов билан суҳбатлашдик.

Мустақил республикамизда ўтаётган илк сайловда фуқаролик бурчимни бажариш насиб қилганидан хурсандман, -- дейди у. -- Сайловлардан аввал ўтган суҳбатлар пайтида янги сайланадиган депутатларга нақазлар бериб бўлмаслиги, балки улар ҳалқимиз манфаати йўлидаги мукаммал қонунларни ишлаб чиқиш билан шугулланишлари ҳақида гапириб беришган эди. Бу, албатта, Олий Мажлисга сайланадиган депутатларга дахлдор гаплар. Маҳаллий Кенгашларга сайланадиган депутатлар жойларда ана шу қонунларнинг рўёбга чиқишини таъминлайдилар. Шуларни чуқур тушунган ҳолда бу ишлар қайси номзоднинг қўлидан келишини пухта ўйлаб овоз бердим.

Сайловлар чоғида яратилган шароитлардан хурсанд бўлдим. Савдо билан боғлиқ тадбирларининг назарда тутмаганди. Балки сайлов участкаларида қўладиган кексалар учун автобуслар ажратилганлиги яхши бўлибди.

Участка сайлов комиссияси раиси А. Қўшалиев бизга бу борада Қибрай яна ичимликлар комбинати, Тошкент консерва заводи ёрдам берганлигини айтди. Шу кuni 90 ёшли Таисия Яковлевна Степаненко ҳам гапирди. У Ўзбекистонда барча миллатлар тенг, дўст ва иноқ бўлиб яшаётган-

ликларини қайд қилиб, бўлгуси депутатлар ана шу ҳаётини аъёнага содиқ қолдилар, деди.

Бу участкада сайловларнинг уюшқоқлик билан ўтишига Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруқчилиги илмий-текшириш институти ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

А. РАЙМОВ.

### ОҲАНГАРОН

Туман сайлов комиссиясида бўлганимизда яхши хушхабар эшитдик. Мавжуд 40 та сайлов участкасида 34 минг 210 сайловчи рўйхатга олинган бўлса, тушгача уларнинг асосий қисми овоз бериб улгурибди.

Сайловларнинг ошкора ва демократик тарзда ўтиши учун шу кuni сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, шунингдек чет эллик кузатувчилар ҳам ҳозир бўлдилар. Улар сайловда фуқароларнинг фаоллигини таъминлашлари учун изҳор қилдилар.

### ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

Республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 156-Оҳангарон округ сайлов комиссиясининг туман агросаноат уюшмаси биносиде жойлашган кўнимгоҳида ҳам сайловлар кuni ҳаёт қайнади. Комиссия аъзоларининг қўли-қўлига тегайди. Округ сайлов комиссияси раиси Анвар Шамсуддинов сайлов жараёнида юзага чиқаётган муаммоларни вақтинчалик билан ҳал этиб турди.

Округимиз ҳудуди юз километр масофани, Оҳангарон тумани ва шаҳридаги салкам қирқ мингдан зиёд сайловчини ўз ичига олади, -- деди у. -- Характерли томони шундаки, сайловчилар турли миллат вакиллари дидир. Биз улар учун барча шароитларни яратдик. Жумладан, таклиф қоғозлари, сайлов бюллетенлари рус ва ўзбек тил-

ларида тайёрланди. Бу сайловнинг фаол ва қонуний ўтишига катта ёрдам берди.

Н. ДУШАЕВ.

### ЗАНГИОТА

Эрта тонгданок мазкур сайлов участкасида музика садолари баралла янгради. Ораста кийинган, бир-бирлари билан ўзаро ҳамсуҳбатда бўлган пирубадавлат отахонлар, нуруний оналар, ёшлар 1/168-сайлов участкаси жойлашган мактаб томон кела бошладилар. Зангиота туманида ташкил этилган бу участка муҳим кампанияга пухта тайёргарлик кўрган яққол намоён бўлиб турарди. Биз овоз бераётган хонага шу участка сайлов комиссияси раиси Абдусовит Воҳидов билан кирдик. Сайлов бюллетенларини тарқатаётган кизларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Сайлов кутиси олдида биринчи бўлиб ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган, умрлари давомда ҳалол меҳнат қилиб обрў-эътиборга сазовор бўлган, бугунги кунда қариллик гаштини суратган Ё. Эгамбердиев, М. Мирзаев, И. Каримов, М. Муҳаммаджоновлар туришибди.

Азиз фарзандларим, -- дея сўз бошлади Ё. Эгамбердиев, -- мен бугун ҳалқимизнинг муносиб фарзандларига овоз бера эканман, Республикаимиздаги ўзгаришларни, биз кексаларга бўлган ҳурмат-эътиборнинг ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Туманимиздаги барча қариялар Президентимизни, ҳукуратимиздан бехад миннатдор. Кейинги йилларнинг ўзида неча бор пенсияларимиз оширилди. Туман ҳокимлиги меҳнатларимизни, кексаларимизни ҳамisha эътиборда тутиб имкони бори-бора бизларга моддий, маънавий ёрдам бериб келмоқда. Бундай илиқ сўзларни биргина менгина эмас, ёнимда турган бошқа тенгдошларим ҳам бажону дил изҳор этишга тайёрлар...

Отахон сўзидан кейин кексалар, биринчи бор овоз бераётган ёшлар бирин-кетин сайлов кутиси олдида келиб ўз фуқаролик бурчларини бажардилар. Мазкур сайлов участкасида рўйхат бўйича 2116 нафар сайловчи бўлгани ҳолда, соат 11.00 гача 1700 нафар сайловчи овоз бериб бўлган эди.

Сайлов кутисига ҳозиргина бюллетень ташлаб қайтаётган М. Ҳасановни

саволга тутдик.

-- Ўзингиз овоз берган номзодларингиздан кўнглингиз тўлдими?

-- Албатта. Танлаган номзодларимни ҳалқимизнинг чинакам меҳнатсевар, жамиятимизга сидқидилдан хизмат қиладиган кишилари деб биламан. Улар ишончимизни оқлашлари, шубҳа йўқ.

Мен биринчи марта сайловда қатнашим. Балки шунинг учундир анчагина ҳаяжонландим, -- дейди Р. Мирзақаримов. -- Овоз берган номзодларимнинг таржимаи ҳоллари менга таниш. Муносиб кишилар.

Биз мазкур сайлов участкасидан мамнун бўлиб қайтдик. Чиндан ҳам туман сайлов комиссияси барча сайлов участкаларида бу муҳим кампаниянинг уюшқоқлик билан, тартибли ўтиши ҳақида зарур тадбирлар белгиланганини гувоҳи бўлдик.

М. ОБИДОВА.

### ЮҚОРИЧИРЧИҚ

Ҳамма ердагидек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар кuni бу ерда ҳам эрта тонгдан одамлар сайлов участкаларида ошиқдилар. Улардан ақсарияти бўлажак депутатларнинг мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ фаолиятларини кенг йўлга қўйишлари ишончлари комиллигини билдирдилар. Биз туман матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви биносиде жойлашган 22/164 сайлов участкасида бўлиб, сайловнинг қай тарзда бориши билан қизиқдик. Сайловчилар учун матлубот жамиятларининг турли ноз-неъматлардан иборат савдо шохбачалари ташкил этилган. Суннат Исмоилов бошчилигидаги «Дилшо» дастаси ўзининг дилрабо куй ва кўшиқлари билан уларни қарши олмақда. Ҳамма байрамона кайфиятда.

Участкамиз бўйича 1889 нафар сайловчи бўлиб, соат 11.00 гача 1193 нафари овоз берди, -- деди биз билан суҳбатда сайлов участкаси раиси Муҳаббат Тўйчиқонова.

Биз уруш қатнашчилари Турсункул ака Тожиқулов, Мария Николаевна Катирюшиналарнинг сўзларини тинглар эканмиз, улар бўлажак депутатларимиз эртанги кунимиз янада истиқболли, келажгимиз буюк бў-

лишида бор кучларини аямасликларига умид боғлаётганликларини айтдилар.

Куннинг иккинчи ярмида сайлов комиссияси аъзолари масъул шахслар бошчилигида навбатчи машиналарда қаровчиса йўқ қариялар, ноғиронлар ва маълум сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмаганларнинг уйларига боришди. С. Мирзақиева, Х. Аъзам-хонова, М. Икромова, Т. Бровченко, З. Саҳобиева ва Б. Ягудин каби сайловга тайёргарлик ишларида фаол қатнашган комиссия аъзолари бугун ҳам сидқидилдан ишлар эдилар.

Хуллас, шу кuni тумандаги 32 та сайлов участкасининг ҳаммасида иш низоҳатда қизгин бўлди. Сайловчилар ўзлари кўрсатган бир неча номзодлар орасидан муносибларига яқдиллик билан овоз бердилар.

Ўйлаймизки, мустақил юртимизда ўтган илк сайловда сайланган депутатлар Ўзбекистон тарихида ўзгача давр бошланган ҳозирги шароитда республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланишига улкан ҳисса қўшадилар, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги бурчларини сидқидилдан бажардилар.

Ш. ОБИДОВА.

### БЎКА

Туман сайлов комиссиясининг раиси Жўра Дўстматов билан сайловлар бошлангунга қадар анчагина суҳбатлашиб олдик. Бу йил бўкаликлар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бир вақтлари фақат марказ аҳолиси табиий газ ва ичимлик сувдан баҳраманд бўлган бўлсалар, эндиликда қатор қишлоқларга «зангори олов» ва ичимлик сув тармоқлари кириб борди. Биргина Йўлдош Ҳожиматов номли жамоа ҳўжалигининг ўзида аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуднинг ярмидан кўпроги газлаштирилди. Фаффор Азаматов номли жамоа ҳўжа-

лигидаги кичик корхоналарда 60 га яқин киши янги ишчи жойлари билан банд бўлди. Бундай корхоналар «Бўстон», «Паркент», «Ачамайли» жамоа ҳўжаликлариде кўпайди.

Туманда Президент фармонлари асосида давлат тасарруфидаги маиший, маданий хизмат шохбачаларини хусусийлаштиришга эътибор ортди. Сайловлар арафасида ана шундай оромгоҳлардан бири бўлган «Ўзарбулоқ» чойхонаси фойдаланишга топширилди, марказда оталар чойхонаси, бутун қўлайликларга эга бўлган туғуруқхона қад кўтарди.

Сайловлар бошланиши билан мавжуд 38 та сайлов участкаларининг ҳаммасида овоз бериш қизгин тус олди, -- деди телефон орқали мулоқотда туман ташкилий бўлими муdiri Равшан Йўлдошев, -- биз соат 12.00 да у билан бошланганимизда, -- соат 10 да 43.368 сайловчидан 31 фоизи овоз берган эди, хозир бу рақам 69,2 фоизни ташкил этди. Сайловлар Баратов, Саймоков номли жамоа ҳўжаликлариде, Бўка пахта тозалаш заводида жойлашган сайлов участкаларида айнаикса, фаоллик билан ўтмоқда...

Шунингдек, қисқа суҳбат чоғида у сайловларга тайёргарлик пайтида барча жамоа ҳўжаликлариде, ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотлар ва муассасаларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ишчанлик руҳида ўтганлиги, уларда бўлажак депутатларнинг дастурлари оммага батафсил тушунтирилганлиги ҳам сайловларнинг уюшқоқликда боришини таъминламоқда, деди.

Шу кuni бўкаликлар овоз беришида вилоятда энг олдингилар қаторида борди-лар. Улар ўз хоҳиш-иродаларига кўра номзодларга ишонч билдириб, Конституцияимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини сидқидилдан адо этдилар.

Х. САИДОВ.

**Республикамиз Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам шундай уюшқоқлик билан ўтди. Овоз бериш пайтида сайлов округлари, участкаларида халқаро кузатувчилар, шунингдек, сиёсий партиялар вакиллари ҳам иштирок этдилар. Уларга зарур шароитлар яратиб берилди.**

**Энди янги парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иқтисодиётни барқарорлаштириш, мамлакатимизнинг янада раванқ топиб боришига оид муҳим қонунлар қабул қилиш, жаҳон миқёсида республика мавқеини ошириб бориш ишига дадил киришадиган кунлар яқин. Уларга бундай фаолиятларида муваффақиятлар тилаймиз.**



ТОШКЕНТ туманидаги Абдурахмонов номли жамоа ҳўжалигида жойлашган 1-сайлов участкаси сайловчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кuniда яна бир бор ҳамжиҳатликларини кўрсатдилар. Бу участкадаги 2130 нафар сайловчининг ҳаммаси овоз беришда қатнашди ва бу ерда овоз бериш вилоятда биринчи бўлиб низоҳатда эди.

Суратда: сайлов участкасида овоз бериш пайти: (чапдан ўнганга) 85 ёшли Нури ая Қорабоева, биринчи марта овоз бераётган Нозима Қалчиёва, шунингдек, сайловчилар Асомиддин Насриддинов ва Мамлакат Мирзаахматоваларни кўриб турибсиз.

## ОВОЗ БЕРИШ... СОАТМА СОАТ

(Давоми. Боши 1-бетда). Сайлов комиссиясига маълум қилди. Маълумот олувчи мутасаддилар соат 10 дан кейинги мuddат оралигида бироз тиғизликдан холис бўлдилар. Шу вақт мобайнида улардан айримларини саволга тутдик.

Шаҳар ва туманлараро алоқа низоҳатда раван ва иччил ишлапти, ишнинг бунчалик ташкил этишининг ўзи бўлмагандир? -- Тўғри пайкабсиз, -- деди Г. Репина, -- Тошкент Давлат электр алоқа корхонаси раҳбари Муҳаммаджон Содиков биргина туман марказларидаги сайлов округлари ёки участкаларининггина эмас, барча қишлоқлардаги сайлов участкаларини телефонлаштиришда ҳам фаоллик кўрсатди. Ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз. Алоқа соҳасида ўттиз йилдан ортиқ ишлаётган вилоят ҳокимлиги алоқа коммунал ташкилати раиси Нурхон Содиков бир зумининг ўзида истаган шаҳар ёки туман сайлов комиссияси билан улаб бермоқда.

СОАТ 12.00. Навбатдаги маълумотлар тўпланди. Зангиота, Бўка, Янгийўл туманлари сайлов участкаларида сайловчилар фаоллиги бошқа шаҳар ва туманлардагига нисбатан анча ошганлиги маълум бўлди. Шу онда Пискент тумани ташкилий бўлими муdiri Мироллим Мирқамоллов ҳам кўнгирак қилиб, тумандаги барча сайлов участкаларида аҳоли ҳалқимизнинг муносиб фарзандларига ишонч ва сadoқат билан овоз бераётганликларини маълум қилди. Тошкент тумани ҳокимлиги ташкилий бўлими муdiri Тўлаган Мирзахмедов эса тумандаги 1-Абдурахмонов ва 23-сайлов участкаларида овоз бериш низоҳатига етганлиги ҳақида ахборот берди. Бир қатор сайлов участкаларида овоз бериш низоҳатига етганлиги тўғрисида Бўка туман ҳокимлиги ташкилий бўлими муdiri-дан хабар олинди.

СОАТ 12 гача вилоятда сайловчиларнинг 53,7 фоизи овоз бериб бўлди. СОАТ 14.00. Ҳамон вилоят сайлов комиссияси аъзолари, ташкилий бўлими мутахассислари тиним билишмайди. Шаҳар ва туманлардаги сайлов комиссиялари билан алоқа раван бермоқда. Бу вақтга келиб Паркент тумани сайловчилари вилоятда энг фаоллардан бўлиб қолишди. Ташкилий бўлимда эса маълумотлар олиш билан биргаликда шаҳар, туманлардан йўл-йўлакчи тушаётган саволларга ҳам аниқ ва лўнда жавоб бериб боришмоқда эди.

Тошкент туманининг 170-Кизғалдоқ сайлов округидан сайловчиларнинг 90,2 фоизи шу вақт ичида овоз бериб бўлганлиги ҳақида хабар қилишди.

С. ҲАСАНОВ. «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

## «ЎЗБЕКИСТОН»ЛИКЛАР МИННАТДОР

ПИСКЕНТ. Туманининг «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги хонадонларида сайловлар кuni арафасида табиий газ ёна бошлади. Бу ҳўжалик аҳолиси учун янги йилга ажойиб байрам совғаси бўлди. 8,5 километр масофага чўзилган газ қувурларини ҳўжалик ўз маблағи ҳисобига торттирди. Газ ёнишида «Ўзарқурилиш», «Меҳнат-роҳат корхонаси», 61-иқтисослашган механизациялашган кўчма колоннаси ва «Ирмонтаж-қурилиш» ташкилотларининг қўшган ҳиссаси катта бўлди. Газ ёкиш тантаналари сайловлар арафасида

умумхалқ кўтаринчилиги билан улаиб кетди. Ҳўжалик аҳли айнаикса, она-

лар бу хайрли иш учун миннатдорчиликларини билдирдилар.



СУРАТЛАРДА: газ ёкиш тантаналари; ҳўжалик касба уюшмаси раиси Т. Иномов «зангори олов»ни ёқаётган пайт.

Д. АҲМАД олган суратлар.



125 минг сўмликдан ортиқ Янги йил совғалари • Автокорхонанинг 25 йиллиги • Ном танлашда адашманг • Қилмиш -- қидирмиш



ФИРМА ДҶУМЛИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САВДОСИ

Давлат мулкни хусусийлаштириш бора-сида Келес шахрида катта ишлар қилинмоқда. Бу ўринда яқинда ташкил топган «Кўктерақ» фирмасини кўрсатиш мумкин. Хусусийлаштириш амалга оширилган, фирма дўкони пештахталари хилма-хил санаят моллари билан тўлди. Дўкондан ташқари оталар чойхонаси, ҳаммом, тикувчилик цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Янги йил арафасида «Кўктерақ» фирмаси ходимлари болалар учун 125 минг сўмлик Қорбобо совғаларини тайёрлаб қўйдилар. Суратларда: Фирма дўконининг кўриниши; сотувчи Фозил Шохидов хариддорларга хизмат қилмоқда.

Даврон АХМАД олган сўраблар.

БИР куни сафар тадориги билан Тошкент темир йўл вокзалига боришимга тўғри келди. Халдеганда ишим битавермагач, оёқларимга дам бериш учун кутиш залидаги ўриндиқлардан бирида озгина ўтирокмочи бўлдим. Одам ниҳоятда гавжулигидан бўш жой топишининг ўзи амрихоҳол эди. Бахтимга юк орқалаган харбий йигитлар жўнаш вақтлари бўлди шекилли, ўринларидан бир-варакайга туриб кетишди. Бориб ўтирдим. Шунда ногоҳ бир-бирининг қўлидан маҳкам ушлаб олган икки бола беҳтиёр эътиборимни ўзига тортиди. Улар қоп кўтарган эракнинг орқасидан тўғри мен томонга келишарди. Каттаси тахминан етти-саккиз ёшлардаги киз, кичиги эса тўрт-беш ёшлардаги ўғил бола. Улар апила-тапил ёнимдаги бўш жойга ўтириб олишди. Халиги одам уларнинг отаси бўлса керак, елкасидаги копни ерга қўйди-да, болаларга қараб: «Шу ерда қимирламай ўтиринглар, мен ҳозир келаман», деди.

Мен болаларга разам солдим. Уларнинг уст-боши бир аҳолада, иртик-ямоқ эди. Кўзлари атрофга жовдираб, ким нима еса қўлига қарашарди. Демак, болаларнинг қорни оч. Сумкамни очиб, йўлга олган егуликлардан бердим. Болалар шонша-пиша еб олишди. Шу асосда мен уларни гапга солдим: -- Қаерга кетаясизлар? -- Бувимизникига. -- Бувинизники қаерда? -- Хўжанда. -- Уларнинг қаерда турасизлар? -- Намаганда. -- Ойинг қаерда? Бу саволни эшитиб, кизча бир салпиб тушди. -- Ойим... Онам йўқлар...

ТАҚДИР ЧОРРАҲАЛАРИДА

ганини қилиш эсимиздан чиқиб қолса нийна санчийди, ёки гурдурт чақиб баданимизга босади... Кизчанинг мунгли кўзларида ёш қалқиб, оғир ҳўрсинди. Мен унинг маънос чеҳрасига разам сола туриб, бир ривоятни эсладим. Қадим замонда бир аёлнинг болалари жуда кўп бўлган экан. Она камбағал бўлса ҳам болаларини ҳеч нарсага зориктирмай тарбиялабди. Лекин уларнинг орзу-хавасини қўришга улгурмай, оғир хасталикка чалинибди. Улими яқинлашгани сезиб, эрига шундай васият қилибди: -- Дада, дада, мени мана бу холам олиб кетаман, дептилар. Уғиллари билан ўртоқ бўларканман, Олиб бораёсиз-да! -- дерди Ёдгор ялпозчилик билан.

ОНА МЕҲРИ

Уларнинг отаси бироз жи-жолат бўлиб, менга юзланди: -- Кеҳирасиз... Онаси йўқлиги учун ким яши гапирса ўша билан кетмоқчи бўлади, -- деди. Сўнг: -- Кани, қўлинг-ни бер-чи, -- деб Ёдгорнинг қўлидан ушлади-да, кизни олди-га солиб жўнаб қолди. Орадан анча вақт ўтиб кетса ҳамки, ана шу воқеани ҳеч миямдан чиқаролмадим. Тез-тез ўша болаларнинг тақдиримга тегмаслигини истаиман. Шунинг учун илтимосим шунки, ўлганимдан сўнг ўнг қўлиمنى кесиб олиб, кейин жасадимни олиб бориб қўлинг. -- Бу гапларни эшитган эр хайрон бўлиб: -- Нима учун? -- деб сўрабди. -- Шунинг учунки, -- дебди аёл. -- ўғай она болаларимни ўз қўли билан эмас, менинг қўлим билан урсин. Гарчи у қотиб қолган суюқ бўлса ҳам болаларимга қаттиқ боғтайди, аксинча, болаларимнинг бошини силаб ўтади... Мен ёнимда ўтирган она меҳридан жудо болаларга юрагим

ГўПНОЗ. Пискент шаҳри.

ИККИ РЕСПУБЛИКА ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ

Икки қўшни давлат -- Ўзбекистон ва Қозғоғистоннинг минглаб аҳолиси бир шаҳардан иккинчисига бориш учун Келес автокорташот корхонасининг автобусларидан фойдаланади. Бу корхона 24 декабрь куни 25 йиллик юбилейини нишонлади. Автокорхона машиналари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Жанубий Қозғоғистон вилоятлари бўйлаб катнайдди. Кўп корхона ва муассасалардаги иш мароми кўп жиҳатдан Келес автокорхонаси ҳайдовчилари, таъмирчилари, диспетчерлари, муҳандислари, иккисоҳиларининг аниқ ва пухта ишлашига боғлиқ. Корхона меҳнатчиларининг юбилейга бағишланган тантанали иғилишида шу ҳақда гапирилди. Корхона тарихи ҳам тилга олинди. Автокорхона чорак аср муқаддам пойтахт вилоятининг Тошкент туманидаги яёдоқ жойда қўй қўтарган эди. Иш бошланган кезларда бу ерда атиги тўртта ПАЗ-672 маркали автобус бора эди. Ҳозир Келес автокорхонасида иккита автоколони бора. 170 та автобус йўловчиларга хизмат қилмоқда.

(ЎЗА МУХБИРИ).

ИСМИНГИЗНИНГ МАЪНОСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Агар исмингиз МАННОП бўлса, «менга эскича от қўйишган» деб беҳуда ўқинманг. Чунки, Манноп энг мазмундор ва чиройли исмлардан бири ҳисобланади. Унинг асл шакли «манюф» ва унинг луғавий маъноси юксак, улуғ демакдир. Араб луғатларида бу сўзнинг тоққа нисбатан ҳам ишлатилиши бе-ҳиж эмас.

Кизларга қўйиладиган иккита исм бора. Бири «ЗУҲРА», иккинчиси «ЗАҲРО». Чақалокча Зуҳра деб исми қўйилганда чиройли гул назарда тутилади. Захро деб қўйилганда эса киза-локнинг оппоқ нурдайлиги назарда тутилади. Агар киз қора тусли бўлса «ЛАЙЛО» деб исми қўйилади. Ҳозир бу исми баъзилар Мажнуннинг Лайлосини назарда тутиб ҳам қўядилар. Аммо «Лайло»нинг луғавий маъноси «қорача», тун рангидаги киз дегани.

Агар боланинг ранги кизил бўлса, «Хамро» деб ном қўйи-лади. «АХМАР» ҳам ўта кизил дегани. Аслида Ахмар ўғил бо-лага ва Хамро киз болага қўйилган. Бирок кейинги пайтларда «Ахмар» сўзи билан «Хамро» сўзи орасидаги араб тилида мав-жуд бўлган жинсий фарқ ўзбек ва тожик тилларида ўқилмагани учун ўзбек ва тожиклар ўғил болага ҳам Хамро деб от қўйдилар.

«КОЗИМ» исмининг луғавий маъноси «ғазабни ютувчи» яъни аччиғи келганда ўзини босиб, аччиқланганини билдирмайдиган, киз-шига яхши муомала қилувчидир. Бу ижобий ҳислатлардан ҳи-собланади. Қозимлар жанжал, келишмовчилик ва уришчи, ара-лашчи каби номаяқул ҳодисаларнинг олдини олувчи кишилар бўлгани учун ҳам улар жамиятда азиз ҳисобланадилар.

«РОБИЯ» тўртинчи киз дегани. Тўғилган болага унинг не-чанчи фарзанд эканлигини ҳисобга олиб, от қўйиш Шарқда кенг тарқалган.

Кизлар орасида СОНИЯ деган исм ҳам кўп учрайди. Бу эса иккинчи киз дегани. «СОЛИ» исмининг асли «солик» дегани бўлиб, унинг луғавий маъноси тўзук, яхши, демакдир. Бу сўз маънода маънадо ҳам қўлланилади. Бунда «Солик» деб жамиятда қонун-қои-даларга амал қилган ҳолда эл қораларидан ишлардан ўзини тийиб, ҳалол тирикчилик қилувчи кишига ҳам айтилади.

ЎЛИМДАН СЎНГ ҲАЁТ БОРМИ?

ҲАР бир киши, бирор мар-та бўлса ҳам, ўлим ҳақида, ун-дан кейин нима бўлиши ҳақи-да ўйлаб кўрса керак. Баъзилар ўлимдан жуда қўрқадилар. Диндорлар эса анча бамайлито-хотир бўлишди, негаки, улар Ердан у дунёга кетганда аба-дийлик ҳужм сурлади, деб ўйла-шади. Клиник ўлимини енгган-лар эса умуман кўрқув билиш-майдди, бу -- бошқа дунёга ўтиш деб ҳисоблашади. Ўлим-ни кеңирган киши мана, икки де-йди: «Бу туш, сароб ёки шунча-ки клиник ўлим деб аташни ҳам билмайман. Мен билан юз берган нарса ҳозирги ҳаётим каби шунчалик воқеа нарса эканлигига далолат бераман. Шундай қилиб, мен ўлим... Учиб кетаётганимни қиз қила бошладим, ҳамма нарсани -- уларнинг томларини, йўларни кўриб борардим. Ҳамма ёки барқ уриб яшаб кетганим. «Одамлар, бирор нарса қилиб мени олиб қолинглар» деб қўчқиргим келарди. Лекин ақ-лан тушуниб турардимки, одамлардан айрилиб қолган-дим, бунга қўчқиргим керак эди. Кейин шундай бир ҳис-туйғу пайдо бўлдики, уни таърифлаб бериш мушкул. Мен ўз жуссамни кўриб турар, шу билан бирга ундан айри тушганими, у ҳаёт ҳю-хавас-лари энди бегона эканлигини сезиб турардим. Кўп вақт-кийиб юрган ва ўрганган бол-ган кийимимни ечиб улоқтир-гандай таассурот қолди мен-да.

Ғаройиб воқеалар олами

фазога учиб қиддим. Мен юл-дузларни кўрдим. Негадир ҳам-ма фазо қорамтир рангда деб ўйлайди: у мовий-нуррафшон ра-нгда эди. Мен пастга қарардим, боғия «пленка»нинг айрим жойлари ёрилиб, ундан бошқа руҳлар учиб чиқаётганди. Руҳлар худди бошга ўқшаш юм-юмалоқ бўлиб остида қанот-лари бор эди. Улар ажиб бир тарзда нур билан йўғрилган эди-лар. Мен кимгадир савол бер-дим: «Энди нима бўлади?» Жа-воб келди: «Ҳаммамиз бир бў-либ қайсида юлдузга учамиз!» Мен юқорига қараб чап томон-нида икки юлдузни кўрдим, би-ри иккинчисидан равшанроқ бў-либ, конуссимон ҳолда Сомон йўлига ўқшаш нур таратар, бе-санок руҳлар унинг атрофида гирдиқапалак эди.

Мен ҳамон юқорилаб борардим. Шу маҳал ўнг томон-даги икки руҳга кўзим ту-шиб қолди ва уларнинг ши-риқларини эшитдим. «У тирик-ку!» дерди бири. «У кан-дай қилиб бу ерга келиб қол-ди? Уни шу зумдаёқ ортига қайтариб юбориш керак!» дер-ди иккинчиси. Руҳлар олдим-га учиб келишди, қанотларим-га илақишиб, мени пастга торта бошлашди. Шу билан ҳаммаси тамом бўлди. Фақат хотиралар қолди. Ҳозир яшашда давом эт-моқдаман, болаларни тарбия-ляпман. Мен икки нарсани тушундим. Биринчиси -- биз билган ўлим йўли, -- балки би-ро ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўти-лади. Иккинчидан яхшилик қилмоқ учун ҳаёт берил-ган.Агар сен яхшилик қилса-н, яхшилик қайтмоғи тайин. Ва аксинча... Икки хулосадан чиқадиган учинчи хулоса шу-ки, ҳар ким ўз келажагини ма-бодо бу ҳаётда бўлмаса, у ҳаётда мустакил ярата олади. Мен у дунёдаги ажрим бу ду-недаги яхшилик ёки ёмонлик-ларга қараб белгилаганимни ўз тақдиримда тўла хис этдим. Одам ўз вужудидаги қар-доватини йўқ қилмоғи, унинг ташқарига қиқшишага йўл қўймағлиги зарур. Ишончим комилки, бу гузатилгани керак бўлган бирдан-бир жиноят-дир.

Айвапс ПАБЕРЭ. («СМ -- сегунда» газетасидан қўққартриб таржима қилинган).

Тан тавузда гап бор

ТАМАКИ ЧЕККАНИ ИТ ҚОПМАЙДИ... МИ?

САВДОГАРЛАР бозорга би-ринчи марта тамаки олиб кели-шибди. Афғон тўмондан одам бо-сиди. Олувчидан қизқичқини кўп-ми. Шунда бир доно киши одам-ларга қараб: «Э, бебабарлар, та-маки солиқ учун зарар келтира-ди!» деди. Харидорлар ҳафласида пир бўлиб тарқала бошлашди. Бозор қасод бўлиб, тамакига қайрилиб қарагувчи топилмади. Бундан норози бўлган савдогар-лар ҳақлиги дони кишини топиб, ундан ўз фикрини ўзгартиришни илтимос қилиб туриб олишди. Шунда доно нойлоқ қолди: «Ҳа-лойд!» Тамаки чекканларни ит қоп-майди, уйига ўрни ташмайди. Каримайди!» деди баланд овозда. Бу ҳолдан хайрон бўлган дўст-лари донодан: «Бу нима деганин-ди, олдин тамаки қони зарар, сеч-манг, деган элингиз-ку», -- деб сў-рашди. Доно ўзи берибди: «Та-маки чеккан киши ҳасасата таяниб қолади, ҳасаслик кишини ит қоп-майди. Чеккан одам доим йўтал-ди, ўғри ўй эгаси ўлдоқ экан, деб изиға қайтса, чеккан одам қар-шига улгурмайди ўлиб кетади...»

БОДРИНГНИ НЕГА БИР ЎЗИ ЭДИ?

НИЗОМ ул Мулк олийжаноб ва ҳаққоний вабир бўлиб, бирор ҳаля келтирса ҳаммага баб-бара-вар бўлиб бераар экан. Бир куни бир боғбон унда эртаги бодринг келтирибди. Вабир олдин-кейин учала бодрингни ўзи еб қўйибди ва боғбонга минг дирҳам инъом берибди.

Вабир дам олгани чиққанда Нозим: -- Сиз нима учун учала кўк бодрингни биринга ўзингиз едиг-из, озининг одатингиз бундай эмас, эди-ку, -- деди. -- Бодринглар аччиқ экан, -- деб жавоб берибди вабир, -- агар бошқаларга ҳам берсанг аччиқли-гига чидаёмайди, леққонининг қўн-гини оғиртар эдилар.

Утбол

Бир чимдим кулгу

ХОРИЖ ҲАНГОМАЛАРИ

Бош жарроҳ харсиллаб турган бемордан сўради: -- Нега операция хонасидан қочиб кетдингиз? -- Чунки ҳамшира «Ваҳима қилманг, қўриқач энг осон опера-ция» деди. -- Нима қилти. Ҳақиқатдан ҳам шундай-ку! -- Шундайликча шундайку-я, лекин ҳамшира бу гапни менга эмас, тиф ушлаб турган ёш жарроҳга айтиди-да.

Чиптарни текшираётган назорати бир шотландияликнинг бо-ларлар чиптаси билан кетаётганини сезиб қолди ва жарима тўла-шини талаб қилди. Шотландиялик эса пул тўлашдан беш тортиди. Бундан жалланган назоратчи шотландияликнинг жомодини олиб, дераздан улоқтириб юборди. Бу пайтда поезд дарё устидаги кўприкдан ўтиб бораётган эди.

-- Бутунлай ақдан озисбиз, -- ден қўчқирди шотландиялик. -- Аввалига менинг чипта ёқмовди сизга, энди эса укамни дарёга қўқтириб юбордингиз...

-- Ойи, бидондаги сутта сичқон тушиб кетди. -- Обташладингми? -- Йўқ, идиша мушқини ташлаб юбордим.

Агар сен овқатингни охиригача еб қўймасанг полицияга айта-ман, -- кўрқитмоқчи бўлиб деди Кермса отаси. Кечқурун болакай уйдан ҳеч қимга билдирмай чиқиб кетди ва тўғри полиция участкасига бориб, навбатчи қапралдан сўради: «Эрталаб ёмон нушшта қилганим ҳақида отам сизларга шик-оят қилдимми?»

Капрал аввалига ҳеч нимани тушунмади, кейин ўзининг бола-лари қўқ олдиға келиб, гап нимадалигини фаххлаб қолди. Мийди-гида кунди-да. «Ҳа, шикоят қилди» дегандек боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

«Хали шунчақми?» Демак мени чақибди-да! Чакимчилик кана-ка бўлишини кўрсатиб қўяман: ертўламизда дадамнинг хонаки ароқ тайёрлайдиган аппарати бор!

Онаси эрталаб ўглини уйғотаяпти: -- Туралоқ, ўғлим, Мактабга боришинг керак! -- Боришинг шартмикан-а, ойи? -- Шарт, ўғлим, ахир сен ўқитувчисан-ку!

Ўғри гуноҳларидан фориб бўлиш учун ибодатхонага келди ва одати бўйича руҳонийнинг соатини ўқираб қўйди. -- Қани айтич, -- деди руҳоний, -- қандай гуноҳ дилингни ээ-моқда? -- Яхши бир одамнинг соатини ўғирладим. Хоҳлайсизми, уни сизга бераман? -- Йўқ, уни ўз эгасига қайтариш керак. -- Эгаси хоҳламапти-да. -- Ундай бўлса, соатни ўзингизда қолдир ва гам чекма. Д. АБДУЛҲАҚОВА тайёрлади.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ШУБҲАЛИ «ҲОМИЛАДОР»

ОҲАНГАРОН тумани икки ишлар бўлими бошлиғи, милиция под-полковниги Эргаш Эржаев Кўкюн -- Охангарон йўлидаги Камчик до-водига жойлашган ДАН ходимлари ва участка нозирлари фаолияти-ни текшириб, кечки пайт Охангаронга қайтаётган эди. Ангрэн шаҳри худудидан чиқарилган унинг ҳайдовчиси ВА3-2102 русумли, Л 45-94 АН давлат номерли автомашинани қувиб ўта бошлади. Бошлиқ машинани оддий, дуппий қийган ўзбек йигити бошқараётганига, орқа ўриндиқда келаятган йўловчилар эса қавқаш миллатига мансуб кишилар эканлигига эътибор қилди. Аёлнинг қавқазлик бўла туриб, анд атласдан қўйлақ кийгани, бошига ўзбек аёлларига ҳос ялтироқ симли румол ўраб олганини, бирок бу тахлит кийинишининг сунъийлиги кўп ийлар изкуварлик билан шўғулланган Эржаевда гумон уйғотди. У ҳайдовчисига ушбу машинанинг орқасига ўтиб, кетма-кет кузатиб боришни буюрди. Охангароннинг Нўғайқўрган қишлоғига яқинлаш-ганда улар машинанинг Тошкент йўлига қиқшиша ишонч ҳосил қи-лишди ва уни тезлик билан қувиб ўтиб, Бескестин номили ДАН по-стига улардан олдинроқ етиб келишди. ДАН ходимлари ёрдамиди машина тўқтатилди. Ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳужжатлари текши-риб қўрилди. Руқни бошқариб келаятган Ҳамидулла Мадиевора ва унинг ёнида ўтирган уқаси Ахмадали Мадиевораёлор ортиқча гап-сўз-и милиция ходимларига керакли ҳужжатларни тақдим этишди ва орқа ўриндиқдаги йўловчиларни Кўкюн шаҳридан Тошкент тайёраго-хига олиб кетаётганликларини маълум қилишди.

Машина кира қилган «йўловчи» Мусо Агеев ва Татьяна Татри-евалар эканлиги аниқланди. Агеевдан ҳужжат талаб қилинганда у жуда безовталанди ва самолетга шошилаётганлигини айтиб, тезроқ қўйиб юборишларини илтимос қилди, хатто пора ҳам тақлим қилди. Унинг бу ҳаракати Эржаевни янада хушёр тортирди. Бу орада Т. Татриева ўзининг «ҳомилалар» эканлигини рўқча қилиб, «ана вақт ушлаб қол-ганликлар»дан нолиб, ДАН ходимлари билан бироз тортишди ҳам. Кўпни қирқ ёрадиган икки ишлар ходимлари шубҳали аёлни ДАН бошлиғининг хизмат хонасига олиб киришди ва икки ҳолис аёл ёр-дамиди текширишди. Эржаевнинг гумони беҳис эмас экан. Татриева қорнига икки қилграмм миқдориди қорадорини маҳкам боғлаб ол-ган эди... Тергов даврида бу икки меҳмоннинг Қарағанда шаҳридан Қирғи-зистон республикасига бориб, терговда аниқлаш имконияти бўлма-ғалар шахслардан икки қилграмм қорадорини икки минг АҚШ доллар-ига сотиб олганликларини аниқланди. Улар ушбу наркотик воситани тезроқ хамто овозларига етказиб бериша шошилаётган эканлар! Энди қанчалик шошилишгани, Мусо Агеев роппа-роса 12 йилдан кейин, Татьяна Татриева эса 10 йилдан кейин ўз уйларига қайтша-ди. Ана шу ишни кўриб чиққан суд мажлиси уларга шундай жазо белгилади. М. РАММБЕКОВ, милиция майори.

ШАФҚАТСИЗЛИК

Тунда Ангрэн кўчаларидан бирида ёш аёлни машина уриб кетди. Ҳайловчи жабрдидага ёрдам кўрсатиш ўрнига, фало-кат юз берган жойдан қочиб қолди. Аёл касалхонага келти-рилиётганда вафот этди. Ми-лиция ходимлари оператив-қи-дирув тадбирларини ўтказиб, икки кун ичида аёлни «Фольксваген» маркали маши-на уриб кетганини, унинг эга-си «Профтехнол» корхонаси хо-дими эканлиги аниқлашди. Ава-рий солир этган шофёр ашё-вий дедиллар кўрсатилганидан сўнг айбини бўйнига олишга мажбур бўлди. Энди у қилми-шига яраша жазо олади.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда Осие футбол конференцияси раҳбарлигида XXVI олимпиада ўйин-лари олдидан бўладиган саралаш мусобақасида иш-тирок этакдиган командалар ўртасида кураш ташлан-ди. Олимпиада ўйинлари 1996 йил езида Атланта шаҳрида бўлади. Ана шу улкан спорт анжуманида иштирок этиш учун бошқарува Осиедаги 25 мамлакат терма командалари кич синашди. Саралаш мусобақаси иштирокчилари саккизта кич-кик гуруҳга ажратилди. Уларнинг ҳар бирида учтадан команда бор. Фақат «Б» гуруҳи бундан мустасно. Бу гуруҳга Ўзбекистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ва То-жикистон олимпиадага терма командалари кирди. Бизнинг зонадаги ўйинлар жадвали ҳам маълум. Саралаш мусобақалари 20 майда бошланиб, 7 октя-брда тугайди. Ҳар бир команда рақиблири билан ик-ки марта -- ўз майдониди ва рақиб майдониди ура-шади. Ўзбекистон олимпиадачилари биринчи сара-лаш учрашувини Бишкекда ўтказадилар. Сўнгра улар 10 июнда Тошкентда тожикистонлик спортчиларни қа-бул қилдилар. Яна икки ҳафтадан сўнг республика-миз пойтахтида яна бир масъулятли мусобақа Қозғо-ғистон олимпиадага терма командасига қарш «жан-бун» бўлиб ўтади. Сўнгра 12 августда Қирғизистон футболболчи-лари билан иккинчи учрашув, 2 сентябрда Душанбеда то-жикистонликлар билан учрашув бўлади. Мусобақа 7

Утбол

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ • Муассис: Мухаррир: Фатҳиддин МУҲИДИНОВ • Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32. • Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълолар: 33-99-15, 32-57-27. • Мақолалар, эълон ва билдирувлар-даги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. • Фойдаланмаган мақолаларга эъма-лявоб қайтармайди.